Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 1 декабрь, № 234 (5654) Шанба

Замонавий корхоналар

мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда

Модернизация

Осойишта ва дориламон кунлар оғушида умргузаронлик қилаётган халқимизга яхши кунлар, тўй-томошалар жуда ярашади.

Мана, ҳозир ҳам қўшалоқ қутлуғ саналар — барқарор тараққиётимизнинг бош пойдевори — Конституциямизнинг 20 йиллиги ва янги уфқлар сари навбатдаги қадам — Янги йил шодиёнасини муносиб кутиб олиш учун катта тараддуд кўрилмоқда.

Табиийки, бу айёмлар ранг-баранг ширинликлардан ўзгача файз олган байрам дастурхонисиз ўтмайди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва хорижникидан асло қолишмайдиган сифатли қандолат маҳсулотлари эса ўтаётган ҳар бир кунимизга ширинлик улашаётган баракали неъматлардандир, аслида.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари, давлат дастурлари асосида яратиб берилган кенг шарт-шароитлар шарофати билан юртимизда озиқ-овқат саноати, жумладан, унинг муҳим йўналиши — қандолатчилик жадал ривожланмоқда. Соҳада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзлари ва преференциялари берилгани, ўз навбатида, чет эллик сармоядорларга жозибадор инвестиция муҳити тақдим этилгани кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили пойтахтимизда масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Lazzat-Karamel” Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлагани ҳам республикамизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг яна бир самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдидан

Маълумки, жамиятда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартларидан бири қонун ижодкорлиги самарадорлигини юксалтириш, мукаммал қонунларни яратиш ҳисобланади. Шу боис юртимизда мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги тизимли ислоҳ қилиниб, бугунги кунда икки палатали парламент умумэътироф этилган демократик тамойиллар ҳамда миллий давлатчилик тажрибамиз асосида ривожлантириб борилмоқда. Бу эса мукаммал қонунчилик пойдеворини яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Мукаммал қонунлар – тараққиёт омили

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтган давр мобайнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юритиш, тизимлаштириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ўзига хос мактаб яратилди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнини тартибга соладиган, қонун ҳужжатларининг сифатини юқори даражага кўтаришга қаратилган тегишли норматив-ҳуқуқий база шакилланди. Буни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича қандай қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги, уларнинг моҳияти, мақсади аниқ ифодалаб берилган. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал қилишдаги дастлабки ташкилий-ҳуқуқий чора сифатида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Зеро, шу орқали давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган қонунларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали амалга оширилишини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Умуман, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этаётгани ушбу Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди.

(Давоми 2-бетда).

Самарали фаолият, муносиб рағбат

Кеча пойтахтимизда ижтимоий долзарб вазифаларнинг изчил ижросини таъминлашда жамият, давлат ва бизнес ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди.

Форум

Мазкур тадбир Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, “Фонд Форум”, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, сенаторлар, ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотлари ҳамда бизнес тузилмалар вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар қатнашди.

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимизда халқнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бандликни таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, юртимиздаги қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ўрни беқиёсдир.

(Давоми 3-бетда).

Фахр

Ҳадемай, Асосий Қонунимиз қабул қилинганига йигирма йил тўлади. Бу байрамни ҳар биримиз кўтаринки кайфият, ўзгача иштиёқ ва қувонч билан нишонлаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Конституция барчамизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз ва эркин меҳнат қилишимизни кафолатловчи энг муҳим манбадир. Зеро, инсон манфаатлари устувор саналган юртдагина тараққиёт бўлади.

Мулкдорлик бахти

Биргина фермерлик фаолиятини олайлик. Истиқлол туфайли ер ҳақиқий эгасини топди, деҳқон меҳнати қадрланди. Бунда Асосий Қонунимизнинг 36-моддасида “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” деган норма аниқ белгилаб қўйилгани муҳим асос бўлди. Натижа эса барчамизга аён: бугун қишлоқ мулкдори нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, балки уни қайта ишловчи уддабурон тадбиркорга айланмоқда.

Умуман, ўтган даврга назар ташласак, Конституциямиз асосида юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Президентимиз томонидан шу йилнинг октябрь ойида имзоланган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳани тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади. Негаки, ушбу ҳужжатга биноан, фермерлик бошқаруви бутунлай янги тизимга ўтказилди.

Бундай имкониятлар ҳар биримизни янада фаол ишлашга, янги-янги марраларни забт этишга чорлаяпти. Айтайлик, жорий йилда республикамиз пахтакорлари томонидан уюлган 3 миллион 400 минг тонна “оқ олтин” хирмонида жамоамиз аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунмиз. Гап шундаки, 57 гектар майдондан гектар ҳисобига 21 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, қабул пунктларига 252 тонна юқори сифатли пахта хом ашёси етказиб бердик. Шунинг ўзидан 215 миллион сўм атрофида даромад келиши кутилаяпти.

Айни кунларда келгуси йил мавсумига пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Шу билан бирга, қўшимча тармоқларни ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз. Мақсадимиз эса битта: халқимиз турмуши янада фаровон бўлиши, иқтисодиётимиз барқарор юксалиши йўлида астойдил меҳнат қилиш. Буни мулкдорлик масъулияти талаб этаяпти.

Қурбонгул МАМАДАЛИЕВА,
Оқолтин туманидаги «Нурафшон орзуси бўстони» фермер хўжалиги раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2012 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2012 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўйстлик концерти

“Туркистон” саройида 30 ноябрь куни Ўзбекистон ва Қозоғистон санъат усталарининг қўшма концерти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Концертнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари К. Рашидов, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Жексембин Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳа қатори маданият йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йилнинг сентябрь ойида Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томонлама имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлаётир. Мазкур ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Марказий Осиёнинг экология муаммолари Европа экспертлари нигоҳида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг парламентдаги гуруҳ раҳбари Б. Алихонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Люксембург, Бельгия ва Нидерландия давлатларига сафари доирасида ўтказилган қатор тадбирларда Марказий Осиё минтақасидаги экология муаммолари мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди.

Жумладан, Люксембург парламентида ушбу мамлакат парламентининг аъзолари, давлат муассасалари ва илм-фан соҳаси вакиллари ҳамда экологик муаммолар бўйича экспертлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда истиқлол йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва мамлакатни демократлаштириш борасида эришилган муваффақиятлар тўғрисидаги маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари Президент Ислом Каримов томонидан таклиф этилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий тамойиллари билан ҳам атрофлича танишдилар.

Давра суҳбатида Орол денгизининг қуриб боришини бартараф қилиш, Оролбўйи ҳудудини экологик жиҳатдан соғломлаштириш юзасидан Ўзбекистон томони амалга ошираётган саъй-ҳаракатларга, минтақадаги экология муаммолари, жумладан, трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича мамлакатимизнинг нуқтаи назари билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан Амударё ва Сирдарё сингари йирик дарёлар Марказий Осиёдаги сув ресурсларининг асосий манбаи эканлиги, минтақада истиқомат қилаётган миллионлаб одамлар ҳаёт тарзининг муҳим асоси бўлган бундай масалалар эса халқаро ҳуқуқнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1992 йил 17 мартда қабул қилинган Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенция ҳамда 1997 йил 21 майда қабул қилинган Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда ҳал этилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотлари, жумладан, сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудда жойлашган Роғун ва 1-Қамбарота гидро электр станциясини қуриш бўйича барча лойиҳаларни БМТ шафелиги остида халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг нуқтаи назари ҳам ёритиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

Мукаммал қонунлар – тараққиёт омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда. Янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”-ги Қонуннинг асосий вазифалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ўзаро нисбатини аниқлашдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва уларнинг мазмунига қўйилган асосий талабларни белгилашдан, шунингдек, уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлашдан иборат.

Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир, деб белгилаб қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил этади.

Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши, шунингдек, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик тартибининг назарда тутилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи органларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича жорий ва истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мумкинлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби, бунда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш лозимлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси ва ҳуқуқий экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини уни қабул қилувчи органга киритиш тартибларига оид нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилганлигидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини ошириш заруратини инобатга олган ҳолда Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизасига жиддий аҳамият берилган. Агар амалдаги Қонунда фақат битта модда бу масалага бағишланган бўлса, янги Қонунда ушбу масала иккита моддада кўриб чиқилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари иқтисодий, молиявий, илмий, экологик ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказилиши мумкинлиги белгиланди.

Шунингдек, Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши кераклиги назарда тутилганлиги мансабдор шахсларнинг бу борадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шаклларини уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилиниши шартлиги тўғрисидаги янги норма киритилганлиги аҳолининг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорлигини оширишда ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қонуннинг эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддатини аниқлашда юзага келадиган тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Қайд этиш ўринлики, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ижодкорлиги жараёнида қонунийликни таъминлашнинг янги, янада самарали механизмларини яратишда, қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдеворидир.

Эркин РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

Замонавий корхоналар

мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ерда тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи, экспортбоп қандолатчилик маҳсулотлари аҳолига манзур бўлиб, ички эҳтиёжни таъминлаш, валюта маблағларини тежаш имконини бераётгани қувонарлидир.

Албатта, бу борада корхонага Германиянинг “Hainsel Processing”, Италиянинг “ACMA SPA” каби таниқли компанияларидан энг илғор технологик линиялар келтириб ўрнатилгани айни муддао бўлди. Шу асосда корхона қуввати ортиб, элликка яқин иш ўринлари барпо этилди. Ушбу жараёнда банкдан олинган 800 млн. сўмлик кредит қўл келганини ҳам қайд этиш лозим.

Корхона фаолияти билан танишган киши ушбу жамоанинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларидан иборат эканлигига шоҳид бўлади. Улар жамиятда ўз ўрнини топиши баробарида, оилалари иқтисодини янада мустаҳкамлашга яқиндан кўмак беришмоқда.

— Ўзимиз танлаган касб сирларини чуқур ўрганишимизда коллежда олган билимларимиз ҳамда амалий кўникмаларимиз қаторида “Устоз — шогирд” анъанаси қўл келмоқда, — дейди Миробод саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Жаҳонгир Мамажонов. — Корхонамиздаги тажрибали ходимларнинг бунда ҳиссаси катта.

— Бугунги ёшларимиз ниҳоятда интилувчан ва тиришқоқ, — дейди бош технолог Ҳотам Яҳёев. — Уларнинг замонавий асбоб-ускуналар “тили”ни тезда тушуниб олишлари, ғайрат билан ишлашлари, маҳсулот дизайни ҳақидаги бири-биридан ажойиб ғоялари кишининг ҳавасини келтиради.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали бугун кўплаб ривожланган давлатларда ижтимоий бандлик, айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик тобора ўткир муаммога айланаётганидан яхши хабарингиз бор. Шундай ноқулай шароитда юртимизда тадбиркорлик ривожи кенг қўллаб-қувватланаётгани аҳолининг ижтимоий муҳофазасини самарали таъминлаш, хусусан, ёш авлоднинг келажакка муносиб кириб боришида салмоқли роль ўйнамоқда.

— Ҳозир корхонамиз томонидан давр талабларига тўла мос 20 турдаги конфет ишлаб чиқарилмоқда, — дейди жамият бош директори ўринбосари Саидакмал Жабборов. — Уларнинг барчаси мувофиқлик сертификатларига эга. Жумладан, таркибида мевалардан олинган табиий таъм берувчи маҳсулотлардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётган мевали, ёнғоқли, сутли, асалли ва шоколадли карамелларимизни харидорлар яхши кутиб олишгани учун уларнинг бозори чаққон. Масалан, жорий йилнинг октябрь ойида 630 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса молиявий барқарорлигимизни мустаҳкамлаш, янги ташаббусларимизни амалга ошириш, энг муҳими, ишчи-ходимларимизнинг моддий-маиший аҳволини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жамоанинг бундан кейинги мақсадлари янада улкан. Яъни республикамизда тадбиркорларга берилаётган имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, маҳсулотлар турини 40 тага етказиш, қўшимча иш ўринлари яратиб, экспорт салоҳиятини кенгайтиришдир.

Саиджон МАХСУМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Изчиллик, масъулият ва ҳамкорлик

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Оила” илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда “Соғлом оила — соғлом жамият асоси” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, хорижлик мутахассислар қатнашдилар.

Анжуманда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда оила институтини ривожлантириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий такомиллашуви, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида эътибор берилаётгани алоҳида таъкидланди. Табиийки, бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, кўплаб қонун ва давлат дастурлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маҳалла раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари оилалардаги маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимиз моҳиятини ёшлар, хотин-қизларга тўғри тушунтиришга муносиб ҳисса қўшаётганлиги эътироф этилди. Маҳаллалар, оилалардаги тушунтириш ишлари, ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ташкил этиш, никоҳланувчи ёшлар, фертил ёшидаги аёллар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш сингари тадбирлар сабаб турли хасталикларнинг олди олинмоқда.

Халқаро анжуманда замонавий оила, репродуктив саломатлик, ота-оналарнинг тиббий, ҳуқуқий, иқтисодий маданиятини ошириш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялашда оиланинг ўрни каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

М. ХОЛМАТОВА.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

Инсон қадр-қимматини улуғлаш халқимизга хос азалий фазилатдир. Қувонарлиси, мустақил мамлакатимизда ана шу эзгу анъана давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами, хусусан, ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга бериладиган имтиёзлар тизими изчил такомиллаштириб борилди. Хусусан, 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсонпарварлик тамойили устуворлигини барчага намоён қилди. Натижада ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат томонидан моддий таъминоти кафолатланди.

Меҳр-мурувватдан баҳраманд диллар

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 21 минг нафардан зиёд ногиронлар истиқомат қилади. Уларни соғломлаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Бир қанча сиҳатгоҳлар, соғломлаштириш марказлари улар хизматида.

1997 йили Жиззах шаҳрида республикамизда биринчилардан бўлиб ногиронларнинг тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. 50 ўринли мазкур муассасада жорий йилнинг ўтган даврида 940 нафар фуқаро даволанди ва уларнинг 170 нафари саломатлигини тиклаб, фойдали меҳнатга жалб қилинди.

Шунингдек, вилоят марказида кўп йиллардан буён “Қариялар оромгоҳи” фаолият кўрсатиб келади. Жорий йилда бу ерда 1041 нафар киши даволанди. Қувонарлиси, ушбу дам олиш маскани кенгайтириш мақсадида 100 ўринга мўлжалланган янги бино қурилиши учун Давлат бюджетидан 1 миллиард 650 миллион сўм маблағ ажратилиб, “Жиззах санаторийи” деб ном берилди.

Галлаорол тумани Лалмикор қўрғонида 2005 йилда ташкил этилган “Маржонсув” санаторийи ўзига хос даволаш усуллари билан нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг барча ҳудудлари аҳолисига яхши маълум. Қолаверса, 110 ўринга мўлжалланиб замонавий услубда қурилган ушбу масканнинг шифобахш суви ҳақида эшитмаганлар йўқ ҳисоб. Бу ерда меҳнат фахрийларидан ва ногиронларга алоҳида имтиёзлар яратилган. Жорий йилда улардан 140 нафарига бепул хизмат кўрсатилгани бунга бир мисолдир.

Ногиронларни касбга ўқитиш ва малакасини ошириш, мос иш ўринларини ташкил қилиб, фойдали меҳнатга жалб этиш муҳим жараён саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан эълон қилинган грант танловларида жамиятимиз ва унинг шаҳар, туман бўлинмалари ўз лойиҳалари билан иштирок этиб келаяпти.

Бундан ташқари, ногирон бўлган тадбиркор ва ҳунармандларни жамият аъзолигига жалб қилиб, пойабзал тузатиш устахонаси, соатсозлик дўкони, сартарошхона ва суратхона каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди.

Жорий йилда вилоятимизда яшаётган ногиронларнинг 386 нафарига 31 миллион, 42 нафарига 6 миллион 510 минг сўмлик эшитиш мосламалари, 92 нафарига 23 миллион 500 минг сўмлик ногиронлар аравачалари, 164 нафарига 750 минг сўмлик ҳасса, 88 нафарига 1 миллион 82 минг сўмлик қўлтиқтаёқ, 1771 нафарига соғлиғини тиклаш учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

Йил давомида ўтказиладиган байрамларда ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса, тўшакда ётиб қолган ногиронлар ҳолидан хабар олиб, совғалар тарқатиш анъана тусини олган. Шунингдек, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади.

Жамиятимизнинг Жиззах шаҳри, Галлаорол, Жиззах, Дўстлик, Фориш, Зомин туманлари бўлинмалари фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Жиззах шаҳар бўлинмаси Жиззах тумани ҳудудидан 5 гектар ер олиб, 2 гектарида “Ногиронлар боғи” ташкил қилди. Ер майдонининг қолган қисмига полиз ва сабзавот маҳсулотлари экилмоқда. Қолган туманларда ҳам жамиятимиз бўлинмалари учун камида 2 гектардан ер майдонлари ажратилиб, турли экинлар экилаяпти ва “Ногиронлар боғи” ташкил қилинмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга берилаётган имтиёз ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Буни уларнинг руҳан тетиклиги, яшашга интилиши ва эртанги кунга бўлган ишончидан ҳам яққол англаш мумкин.

Абдулла ҚАРШИБОЕВ,
Ўзбекистон ногиронлар жамияти Жиззах вилояти бўлими раиси.

Дўстлик концерти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент ва Остонада ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган алоқалар юксак қадрланади.

Халқларимиз ўртасидаги маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъаналарга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир. Қозоғистонда ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилмоқда, халқ усталари ҳунармандлар ярмаркаларида қатнашмоқда, мусиқа ҳамда театр жамоаларининг гастроллари ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда қозоқ миллий-фольклор ансамблари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида Қозоқ адабиёти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. «Нурлы жол» газетаси чоп этилмоқда, телерадиоканаллар орқали махсус кўрсатув ва эшиттиришлар берилмоқда. Тошкент давлат педагогика университети ва Қорақалпоқ давлат университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган.

Қозоғистоннинг Остона, Олмаота шаҳарлари ва бошқа тўққизта ҳудудидаги ўзбек маданияти марказлари томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва маросимлари куни» ўтказилади. Ўзбек тилидаги даврий нашрлар ва махсус телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар Қозоғистондаги ўзбекларнинг миллий анъана ва урф-одатларини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Қозоғистонлик санъаткорлар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий қатнашчиларидир.

Республика қозоқ миллий маданият маркази икки халқнинг дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётир. Шунингдек, Ўзбекистонда қозоқ халқининг маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Концертда ўзбек ва қозоқ санъат намояндалари томонидан икки халқнинг мумтоз наволари, замонавий мусиқа ва рақслар ижро этилди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

Марказий Осиёнинг экология муаммолари Европа экспертлари нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур иншоотлар қўшни давлатлар манфаатларини чеклагани ҳолда, минтақадаги экология ва сув мувозанатига салбий таъсир кўрсатиши эътироф этилди.

Алюминий ишлаб чиқаришда эскирган ва экологик жиҳатдан атроф-муҳитни заҳарлайдиган технологиялардан фойдаланилиши туфайли Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарадош туманларидаги экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатаётган Тожикистон алюминий компаниясининг фаолияти ҳам учрашув иштирокчиларининг диққат-эътиборидаги масалалардан бири бўлди.

Ўзбекистон томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган сиёсат давра суҳбатининг европалик қатнашчилари томонидан ижобий баҳоланди. Улар билдирган фикрларга қараганда ҳам, ҳозирги пайтда бундай масалалар, жумладан, сув-энергетика муаммолари ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, биргина давлатнинг эмас, балки дарёларга боғлиқ бўлган барча мамлакатларнинг умумий муаммоси ҳисобланади.

Ўзбекистон делегациясининг Люксембургга сафари доирасида мазкур давлат Депутатлар палатасининг Халқаро масалалар ва мудофаа бўйича қўмитасида ҳамда “Dei greng” Люксембург экологик партиясининг парламентдаги фракцияси вакиллари билан ҳам сермаҳсул учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида қўшма илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ минтақавий ҳамда экологик муаммоларни биргаликда ўрганиш юзасидан томонлар ўзаро қизиқиш билдирдилар.

Брюсселда Ўзбекистон делегацияси иштирокида “Атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари: Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари тажрибаси” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида ташкиллаштирилган ушбу тадбир Осиёни ўрганиш бўйича Европа институтида бўлиб ўтди. Унда Бельгия ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари, Европа Иттифоқи институтлари ҳамда НАТО бош қароргоҳининг вакиллари қатнашди.

Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар, ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлик гуруҳининг фаолияти билан таниишдилар. Шу билан бирга, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этиши учун ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбати қатнашчилари томонидан Орол денгизи фожиаси ва унинг оқибатларини бартараф этиш, Оролбўйи ҳудудини соғломлаштириш, минтақа трансчегаравий дарёларининг сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик муаммолар ҳамда уларни ечишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини муҳокама қилиш ниҳоятда долзарб эканлиги қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Европа Иттифоқи кенгашининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича ишчи гуруҳи аъзоси А. Килан-Липка** жуғрофий жиҳатдан Европадан узоқда жойлашган бўлишига қарамай, Марказий Осиё минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик аҳамияти тобора ортиб бораётганини айтиб ўтди. Шу маънода, у Европа Иттифоқи минтақада ҳар томонлама хавфсизлик ва барқарорлик сақланишининг тарафдори эканлигини маълум қилди.

Трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига тўхталар экан, А. Килан-Липка мазкур муаммо экологик вазият билан бевосита боғлиқ бўлгани боис нафақат минтақавий, балки умумбашарий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Эксперт сув танқислигининг ортиб бориши, унинг сифати ёмонлашуви сингари муаммолар иқлим ўзгариши, иқтисодиёт ва демографиянинг ўзгариши билан янада чуқурлашиб боргани ҳолда, тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солувчи омилга айланиши мумкинлигини ҳам алоҳида айтиб ўтди.

“Жаҳон” ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи С. Хожсон** Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга, шу жумладан, Орол денгизи ҳавзасидаги экологик мувозанатни тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди.

С. Хожсоннинг айтишича, бугун дунёнинг деярли барча мамлакатлари жиддий экологик қийинчиликларга, хусусан, сув билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Европа Иттифоқида бундай масалаларнинг ҳал қилинишида фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотларига алоҳида эътибор қаратилади.

Европа Иттифоқи вакиллари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати делегацияси иштирокида ўтган мазкур тадбир, ҳақиқатан ҳам, долзарб мавзуга бағишланганини эътироф этар экан, эксперт Марказий Осиёдаги экологик вазият тўғрисидаги холис маълумотларни жаҳон ҳамжамиятига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Германиядаги Ханс Зайдель жамғармасининг (“Hans Seidel Stiftung”) Брюсселдаги қароргоҳи директори К. Форстнер ҳам юқорида айтилган фикрларга қўшилишини маълум қилар экан, ушбу тадбир минтақадаги экологик вазият ҳақидаги ахборотлардан атрофлича хабардор бўлиш имконини яратганини қайд этди.

К. Форстернинг таъкидлашича, хорижий мамлакатларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасидаги илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон бу йўналишда самарали сиёсат олиб бормоқда.

БЕНИЛЮКС давлатларига сафар чоғида Ўзбекистон Экологик ҳаракати делегацияси томонидан Ўзбекистондаги экологик вазиятга бағишланган тақдимот ҳам ўтказилди. Табиий ресурсларни бошқариш бўйича дунёнинг етакчи марказларидан бири ҳисобланадиган Вагининген университетида (Нидерландия) бўлиб ўтган мазкур тадбирда ушбу олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари ва талабалар, ижтимоий ҳамда академик доиралар вакиллари, шунингдек, Нидерландияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар қатнашди. Ўзбекистондаги ва умуман, Марказий Осиёдаги ҳозирги экологик вазият тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимотда сўзга чиққан Вагининген университети илмий ходимлари ва Европанинг бошқа вакиллари трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашар экан, бундай ёндашувни мамлакатимиз раҳбариятининг келажак авлодлар ҳақидаги прагматик ва асосли ғамхўрлиги сифатида эътироф этдилар.

Тадбир қатнашчилари билдирган фикрларга қараганда, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги нуқтаи назарларни яқинлаштириш вазифасига ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатлардан айри ҳолда ёндашиши мумкин эмас. Яъни тадбирда қайд этилганидек, сув сиёсати минтақа барқарор тараққиётини таъминлашнинг таркибий қисми бўлмоғи лозим.

«Жаҳон» АА.
Люксембург, Бельгия, Нидерландия

Самарали фаолият, муносиб рағбат

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, бир неча йилдан буён “Фонд Форум” ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигидаги “Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури”, “Соғлом она — соғлом фарзанд”, “Инклюзив таълим”, “Фермер аёллар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” каби истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастурлар мамлакатимиздаги ННТлар томонидан илгари сурилаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, экология, маданий ва миллий анъаналарни асрав-авайлаш каби йўналишлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда беқиёс ўрин тутаётир. Бу сингари лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда жойлардаги ҳокимликлар, маҳалла идоралари, хотин-қизлар қўмиталари, турли бизнес тузилмалар ва ННТларнинг доимий ҳамкорлиги қўл келмоқда.

— Йил бошидан буён тадбиркор ва фермер аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳамизни муваффақиятли амалга ошириб келмоқдамиз, — дейди Гулистон шаҳридаги Ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми Ахборот маркази директори Зебо Ҳайдарова. — Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад, узоқ туманларда яшовчи, эндигина тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ва бошламоқчи бўлган хотин-қизларга амалий кўмак беришдир. Яъни улар тажрибали экспертлар кўмагида давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар, қонунчиликдаги янгиликлар, банклардан кредит олиш, бизнес-режа тузиш, турли грант лойиҳа доирасида турли интерактив танловлар, викторина ва спорт мусобақалари ташкил этилди. Бу каби маънавий-маърифий тадбирларда мамлакатимиз бўйлаб беш минг нафардан зиёд ўғил-қиз фаол иштирок этишди. Улар ОИТС, гиёҳвандлик, турли юқумли хасталикларнинг олдини олишга қаратилган тренингларда қатнашиб, бу борадаги билим ва тушунчаларини бойитишга муваффақ бўлдилар.

Якуний акцияда соғлом турмуш тарзи тарғиботига оид ижодий танлов ғолиблари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Шу куни форум доирасида 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишланган ёшлар акцияси ҳам ўтказилди. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройига олий ва ўрта махсус таълим масканларининг ўқувчию талабаларини жамлаган мазкур тадбир “Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” деб номланди.

Аввал хабар қилганимиздек, “Соғлом ёшлар” лойиҳаси доирасидаги акция “Фонд Форум”, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилди. Аслида нафақат ушбу сана муносабати билан, балки йил бўйи давом этган мазкур лойиҳаларида иштирок этиш бўйича кенг тушунча ҳамда тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бизнинг фаолиятимизни ижобий баҳолаб, махсус грант ажратди. Ушбу маблағни Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги чекка қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар учун тренинглар ташкил этишга сарфлашни режалаштираяпмиз.

Форумда она ва бола саломатлигини асраш, инклюзив таълимни ривожлантириш, экология ва ёшлар муаммоларига бағишланган секциялар йиғилиши, шунингдек, ННТлар фаолиятига оид тақдимотлар ўтказилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги марказий шифохона ва 9 та қишлоқ врачлик пунктига муқобил энергия манбаларини ўрнатиш учун махсус сертификатлар топширилди. Шунингдек, шифо муассасалари ҳамда таълим масканларини тиббий ускуналар, компьютер техникаси билан таъминлаш ҳамда фермер ва тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар иштирокчиларига ҳам ғолиблик дипломлари ва махсус грантлар топширилди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

Ишонч, ҳаракат, соғлом турмуш

ҳар қандай хасталикни енгишда муҳим аҳамият касб этади

Бугун кўпгина соҳалар қатори тиббиёт тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бироқ шунга қарамай, кейинги йилларда айрим хасталикларнинг хуруж қилиши ҳам кузатилмоқда. Ана шундай касалликлардан бири, бу — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми(ОИТС)дир.

Ушбу хасталик жаҳон ҳамжамиятини ташвишлантираётган масалалардан бири ҳисобланади. Негаки, бугунги кунда бутун дунёда мазкур касалликдан 40 миллионга яқин киши азият чекмоқда.

Мамлакатимизда бу хавфли касалликни бартараф этиш борасида кейинги йилларда салмоқли натижаларга эришилди, десак, хато бўлмайди. Авваламбор, республикамизда ОИВ инфекцияси тарқалиб кетишининг олдини олиш ва профилактик тадбирлар самарасини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Республика ОИТС ташхис марказининг кенг қамровли фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирларининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳам изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Мазкур йўналиш бўйича ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш борасида социологик тадқиқотлар ўтказиш, халқимизнинг менталитети, маънавий-ахлоқий қарашлари ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув қўлланмалар, услубий таълим материаллари, фильмлар тайёрлаш, ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш тадбирлари белгилаб қўйилган. Аҳоли орасида мунтазам маъруза ва суҳбатлар ўтказилиб, турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида хабардорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Республикамизда ОИВ инфекцияси бўйича бир йилда 2 миллиондан зиёд одам текширувдан ўтади. Бу кўрсаткич ўтган йиллардагига қараганда 1,5 — 2 баробар кўп бўлиб, текширувлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Негаки, одамда ОИВ инфекцияси бор-йўқлигини текшириш мамлакатимизда қонун орқали белгилаб қўйилган ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ОИВ инфекцияси профилактикаси соҳасидаги барча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари (2000 й.), ОИТС бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Тарафдорлик декларацияси (2001 й.) ҳамда Сиёсий декларация (2006 й.) талабларига асосан, ҳукуматимиз томонидан ОИВ инфекцияси аҳоли, айниқса, ёшлар ва касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш, ОИВ билан касалланган шахсларни даволашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилган ва улар жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ОИВ/ОИТС касаллигидан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тадбирларини олиб боришда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилмоқда. Мамлакатимизда 2009 йилдан бошлаб ОИВ/ОИТС инфекцияси бўйича текширувлар сони бирмунча кўпайди. Бунга сабаб шуки, касалликнинг онадан болага юқиш эҳтимолини камайтириш мақсадида юртимиздаги барча ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекцияси бор-йўқлигини текшириш йўлга қўйилди. Ҳомиладор аёлларни тест синовидан ўтказишнинг муҳим жиҳати ОИВ инфекциясига чалинган онадан соғлом фарзанд дунёга келишига эришишдир.

Орттирилган иммунитет танқислиги вируси инсон организмига тушгандан сўнг ўн йил давомида ҳам клиник белгилар намоён бўлмаслиги эҳтимоли бор. Шунинг учун бу касалликни юқтирганлар аксарият ҳолларда ўзларининг касалликка чалинганликларини сезмасликлари мумкин. Вирус организмнинг иммун тизимини ишдан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар ва бошқа инфекциялар хуружини организм енголмай қолганида ҳамда бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида, бу хасталикка чалингани аён бўлади. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умричалик чўзиш мумкин. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва махсус антиретровирус дориларини қабул қилиб туриши зарур.

ОИВ инфекциясига чалинган кишилар аксарият ҳолларда жамоадан, қўни-қўшнилари, оиласи, яқинларидан ажралиб қолади, умидсизлик ва тушкунлик гирдобига тушади. Ваҳолонки, эҳтиётсизлик оқибатида юзага келган бу касаллик инсонни бошқа ҳуқуқлардан маҳрум қилмайди. Энг муҳими, касалликка қарши курашиш имконияти мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Беморлар, асосан, жамоатчилик томонидан камситилишдан, касаллигини яқинлари билиб қолишидан хавотирланиб яшайди. Шунинг учун биз иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга, психологлар кўмагида тушкун кайфиятдан қутқаришга ҳаракат қиламиз.

Мухтасар айтганда, ОИТСга қарши кураш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлардан кўзланган пировард мақсад халқимиз саломатлиги ҳамда жамиятимиз равнақидир. Жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз, айрим мамлакатлардаги таназзул, турли можаролар авж олаётган бир пайтда юртимизда инсон ва унинг манфаатлари ҳамиша устувор эканлиги саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларда ҳам яққол ифодасини топмоқда.

Нурмат АТАБЕКОВ,
Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, профессор.

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

қуйидаги кимёвий реагентни сотиб олиш бўйича 15/12-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот рақами	Кимёвий реагент номи	Миқдори
Лот № 1	Циклогексан SH	400 тонна

Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.
Тендер таклифи 1 000 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: tender@sgcc.uz

1990R/88

Ташаббусимиз қўллаб-қувватланди

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётимизни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланмоқда. Бу истиқлол йилларида тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёз ва енгилликлар берилаётгани самарасидир.

Дил сўзи

Чиндан ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилганлиги биз, тадбиркорларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга имкониятлар эшигини кенгроқ очди. Бу жараёнда, айниқса, тижорат банкларининг молиявий кўмаги катта мадад бўлаётир. Бизнинг корхонамиз жамоаси ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, муайян ютуқларни қўлга киритмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, паррандачиликни ривожлантириш, аҳолига парҳез гўшт ва тухум етказиб бериш бўйича бизнес лойиҳа ишлаб чиққан эдик. Уни рўёбга чиқариш учун молиявий кўмак сўраб “Асака” банкининг Асака филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси кредитга бўлган талабимизни ўрганиб, ижобий ҳал қилди. Натижада фаолиятимизни кенгайтириб, 10 дан зиёд иш ўринлари яратдик. Энг муҳими, вилоятимиз аҳолисининг парҳез гўшт ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшаяпмиз.

Қисқача айтганда, молиявий ҳамкоримиз бўлган “Асака” банкининг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Келгусида яна кўплаб истиқболли лойиҳаларимизни амалга оширишимизда ушбу молия муассасаси жамоаси кўмакдош бўлишига ишончимиз комил.

Нозимжон ЮЛДАШЕВ,
Андижон вилоятидаги «Чинобод Парранда Анд» МЧЖ раҳбари.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти, Ҳаққулобод шаҳри, «Бобур» МФЙдаги жиноий ишлар бўйича Норин тумани суди маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич баҳоси:
— ҚҚС билан 293 467 684 сўм;
— ҚҚСсиз 244 556 403 сўм.

Якунланиш муддати — 5 ой.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Ш. Шерозий кўчаси, 3-тор кўча, 5-уйда жойлашган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси.

Телефон: (8-369) 233-03-71. Факс: (8-371) 233-49-04.

Лойиҳани молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия уюшмалари ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат: 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Чортоқ» санаторийси 3-корпусини қайта қуриш.

Объектнинг бошланғич баҳоси:
— ҚҚС билан 2 850 526 633 сўм;
— ҚҚСсиз 2 375 438 861 сўм.

Якунланиш муддати — 12 ой.

Буюртмачи: Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 15-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси.

Телефонлар: (8-371) 298-68-86, 298-66-04, 298-66-23.

Лойиҳани молиялаштириш Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва бошқа ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.
Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарни очиш куни ва соати.

Таклифлар эълон матбуотда эълон чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

2001R/1363

«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган Низом ҳамда Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 26 ноябрдаги 83-сонли буйруғига асосан, «Ўзнефтгазалоқа» ИЧТБА УШКга тегишли қуйидаги давлат объектлари қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Полвонтош шаҳарчаси, Назмуддинов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 891,0 кв.м., шундан қурилиш майдони 583,46 кв.м.дан иборат Полвонтош алоқа бўлими бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 43 374 100 сўм.

2. Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, «Андижон» ШФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1300,87 кв.м., шундан қурилиш майдони 1088,87 кв.м.дан иборат «Андижонпром» алоқа бўлими бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 148 675 100 сўм.

3. Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Жанубий Оламушук шаҳарчаси, Иттифоқ кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 2253,62 кв.м., шундан қурилиш майдони 747,81 кв.м.дан иборат Жанубий Оламушук алоқа бўлими бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 143 407 400 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 январь куни соат 10.00 да Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда, Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 9 январь кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 16, 23 ва 30 январь кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги гаров пулини савдо ташкилотчиси — «Rieltor ekspress konsalting» МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалининг МФО: 01074, СТИР: 302067760, 20208000704927796001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Аризалар қабул қилиниши мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб савдо ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 107-хонасида қабул қилинади.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо ғолиби билан 20 кун ичида олди-сотди шартномаси имзоланади.

Қўшимча маълумот учун телефон: (+998 93) 910-11-12.

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ҳамда ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниши ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда, Давлат мулки қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг (8-371) 224-24-52 ишонч телефонларига хабар беришингиз сўралади.

Лицензия RR-0026.

(98ZA/1281)

«NAVOIY MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосида Зарафшон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Зарафшон туманлараро судининг 2011 йил 13 июндаги, 2011 йил 15 майдаги, 2011 йил 3 июндаги, 2011 йил 7 июндаги ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан, «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонасидан хатланган қуйидаги ускуналар қўйилмоқда:

1. «CS-14 Atlas Corco» русумли, техник соз, 2007 йилда ишлаб чиқарилган бурғилаш ускунаси.

Бошланғич баҳоси — 565 646 674 сўм.

2. «Diamec U6 PHC Atlas Corco» русумли, техник соз, 2007 йилда ишлаб чиқарилган бурғилаш ускунаси.

Бошланғич баҳоси — 697 861 220 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 декабрь куни соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 28 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Navoiy Mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй.
Телефон: (8-436) 224-64-31. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz

2000R/1365

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, икки қаватли, ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган, ертўлали маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 799 978 000 сўм.

Аукцион савдосида 2012 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

2003R/1441

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

Пойтахтимизда ўтказилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқич учрашувлари ўзининг қизғин палласига кирди.

Баҳслар ҳал қилувчи паллага кирди

Мусобақанинг еттинчи турида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов венгриялик Петер Лекога қарши баҳс олиб бориб, дуранг натижа қайд этди. Мазкур турдан ўрин олган Шаҳриёр Мамедяров — Гата Камский, Руслан Пономарёв — Борис Гельфанд, Ванг Хао — Пётр Свидлер жуфтликлари ўзаро беллашувларида ҳам ана шундай ҳисоб қайд этилди. Россиялик Сергей Карякин ўз ватандоши Александр Морозевичдан, италиялик Фабиано Каруана эса кубалик Леньер Домингес Пересдан устун келди.

Саккизинчи турда эса шахматчимиз Россия вакили Пётр Свидлерга қарши дона сурди. Қизиқарли комбинациялар ҳамда стратегияларга бой кечган ўйинда гроссмейстерлар 34-юришдан сўнг муроса йўлини танладилар. Мазкур тур доирасидаги Шаҳриёр Мамедяров — Руслан Пономарёв, Александр Морозевич — Ванг Хао, Борис Гельфанд — Леньер Домингес Перес, Фабиано Каруана — Сергей Карякин жуфтликлари ўзаро ўйинларида ҳам ғолиб шахматчиларнинг номлари аниқланмади. Петер Леко эса ниҳоят Тошкент Гран-присидаги биринчи муваффақиятини нишонлади. У Гата Камскийни мағлубиятга учратди.

Шу тариқа саккизинчи турдан сўнг Фабиано Каруана ва Сергей Карякин жамғарган очколар сони 5 тага етди. Уларни таъқиб қилиб келаётган Рустам Қосимжонов, Александр Морозевич, Петер Леко ва Шаҳриёр Мамедяров ҳисобида 4,5 тадан очко бор. Руслан Пономарёв, Ванг Хао ва Пётр Свидлер 4 тадан очко билан кейинги ўринларда жойлашган.

«Fair Play» совғини Ўзбекистонда

Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрида Осиё футбол конфедерациясининг йил лауреатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Эътиборли жиҳати, тадбирда жорий йилги “Fair Play” (“Ҳалол ўйин”) совғини Ўзбекистон футбол федерациясига топширилди. Бу мукофотга мамлакатимиздан ташқари, Австралия ва Эрон футбол федерациялари ҳам даъвогарлик қилганди.

Ҳамюртимиз, ФИФА лайнсмени Абдуҳамидулло Расулов эса кетма-кет иккинчи бор “Осиёнинг энг яхши қанот ҳаками”, дея эътироф этилди.

Кубок «Бунёдкор»га насиб этди

Кеча “Пахтакор” марказий стадионида футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финал учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Тошкентнинг “Бунёдкор” ва Қаршининг “Насаф” клублари бош совғин учун ўзаро баҳс олиб борди. Учрашувда пойтахтлик футболчилар 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Жамоага муваффақият келтирган голларга Шавкат Саломов, Камолиддин Мурзоев ва Виктор Карпенко муаллифлик қилди. Шу тариқа “Бунёдкор” учинчи бор Ўзбекистон кубоги соҳибига айланди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

● Реклама ва эълонлар ●

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизни, банк акциядорлари ва мижозларини Ватанимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг

20 йиллиги

билан самимий муборакбод этамиз!

Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Шу фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

«Олтин куз» — Муддати — 3 ой

«Мезон» — Муддати — 6 ой.

«Оила фаровонлиги» — Муддати — 24 ой.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад» — Муддати — 1 йил

«Қурилишга бошланғич бадал» — Муддати — 1 йил

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93.
www.qishloqqurilishbank.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — *фаровон ҳаётингиз хизматида!*

1999A/1073

Хизматлар лицензияланган.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 7 июлдаги 12-0809/7772 (27.1)-сонли, 2008 йил 18 июлдаги 12-0809/8191 (27.1)-сонли, 2008 йил 24 ноябрдаги 12-0806/18090 (27.1)-сонли, 2009 йил 21 майдаги 12-0912/4690 (27.1)-сонли, 2009 йил 2 июлдаги 12-0912/6947 (27.1)-сонли, 2009 йил 23 октябрдаги 12-0912/14046 (27.1)-сонли, 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15354 (27.1)-сонли ва 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15332 (27.1)-сонли суд буйруқларига асосан хатланган, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Наврўз қўрғони ҳудудида жойлашган, Мирзаобод тумани МТП АЖга тегишли, умумий қурилиш майдони 648,12 кв.м. бўлган, пойдевори бетон, девори пишган ғиштдан, томи шифер, 2 қаватли таъмирталаб ҳолдаги идора биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 167 157 079 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. *Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

1. ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 2 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 493,47 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 373,83 кв.м. бўлган (2 қаватли) идора биноси.

Бошланғич баҳоси — 240 481 234 сўм.

2. ЖИБ Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 2 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Н. Зокиров кўчаси, 290-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 198,2/265,2 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,8 кв.м. бўлган тураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 322 460 581 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес марказ» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

2004A/1441

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2009 йил 29 сентябрдаги 21-0907/5816-сонли ижро варақасига асосан, «Қизилқум Мануфактура» МЧЖдан хатланган, Томди туманида жойлашган, ички майдони 570,1 кв.м., умумий майдони 2545,8 кв.м., 114 хонали уч қаватдан иборат «АБК-маъмурий ва маиший хизмат корпуси» биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 203 279 152 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 19 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Кармана туманлараро ФИБ судининг 2012 йил 17 августдаги 1-2619/12-сонли ижро варақасига асосан хатлаган, Навоий шаҳар СХЗ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1023,57 кв.м., 44 хонадан иборат бўлган А, А1, А2-литерларда жойлашган Кир ювиш комбинати биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 165 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 4 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 январь куни соат 18.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй,Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01, 224-15-61. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

2002A/1441

САНОАТ КОРХОНАСИ

ностандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,

шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,

электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

доимий ишга таклиф қилади.

- Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.
- Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.
- Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru

1975A/1346

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 17 декабрь ва 2013 йил 7 январь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар савдога қўйилмоқда:

1. «JOZIBA-DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги савдо расталари, умумий ер майдони — 1305,24 кв.м., қурилиш ости майдони — 789,28 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 78 090 480 сўм.

2. «JOZIBA-DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги кафе биноси, умумий ер майдони — 834,2 кв.м., қурилиш ости майдони — 580,89 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 51 623 100 сўм.

3. «Ал-Азизбек АГТКШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 276 628 090 сўм.

4. Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғони ҳудудида жойлашган «Жасурбек» ХИЧСТФга тегишли омборхона биноси, умумий ер майдони — 18589,29 кв.м., қурилиш ости майдони — 1947,44 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 335 770 110 сўм.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2012 йил 17 декабрь кунидаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 7 январь куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноаткурилишбанк» «Амир Темур» Самарқанд шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилимиз: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.
Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.

Лицензия: 0038.

1989R/477

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби

олий мактаб бўғинидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларига сифатли овқатланиш хизматини ташкил этиш мақсадида умумовқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ўртасида

тендер эълон қилади.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 256-33-27, 256-24-36.

1994R/1354

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Самарқанд вилояти хўжалик судининг судьяси **Акбар Абдусатторович ИБРАГИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Телеоператорлар гуруҳининг телеоператори Бахтиёр Абдуназаровга падари бузруквори **Меликўзи АБДУНАЗАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5